

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СУЛАЙМОНОВ ҲУСАНБОЙ МАННОПОВИЧ

**ҚЎРҒОШИН ВА ВИСМУТ ХАЛЬКОГЕНИДЛАРИ
БИРИКМАЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН СТРУКТУРАЛАРДА
ПЬЕЗОҚАРШИЛИК ҲОДИСАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Сулаймонов Ҳусанбой Маннопович

Қўрғошин ва висмут халькогенидлари бирикмаларидан тайёрланган
структураларда пьезоқаршилиқ ҳодисалари 3

Сулаймонов Ҳусанбой Маннопович

Явления пьезосопротивления в структурах из халькогенидов свинца и
висмута 26

Sulaymonov Khusanboy Mannopovich

Piezo resistance phenomena in structures from lead and bismuth chalcogenides...48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СУЛАЙМОНОВ ҲУСАНБОЙ МАННОПОВИЧ

**ҚЎРҒОШИН ВА ВИСМУТ ХАЛЬКОГЕНИДЛАРИ
БИРИКМАЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН СТРУКТУРАЛАРДА
ПЬЕЗОҚАРШИЛИК ҲОДИСАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/FM39 рақам билан қайд этилган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.fergpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyoule.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Носиржон Хайдарович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуритдинов Иззатилло
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расулов Рустам Явқачович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертациянинг ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "21" ноябрь соат "14:00" даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Фарғона ш. Фарғона к. 86 уй. Тел: (+99873) 241-12-06, факс (+99873) 241-12-06, e-mail: uzferfizika@mail.ru, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан институтнинг ахборот-ресурс маркази илмий-услубий бўлимида танишиш мумкин. (№0002-Н рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона ш. Фарғона к. 86 уй. Тел: (+99873) 241-12-06.

Диссертация автореферати 2020 йил "4" ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил "7" ноябрь даги PHDFN-02 рақамли реестр баённомаси).



Н.А. Султанов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш раиси,
ф-м.ф.д., профессор.

Б.З. Полвонов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш илмий котиби, ф-м.ф PhD, доцент

Р.Я. Расулов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон масштабида монокристаллар ва поликристалл пленкаларда пьезоқаршилиқ эффекти чуқур, ҳар томонлама тадқиқ этилганлигига қарамай, ушбу материаллардаги тензорезистивлик ходисаларига қизиқиш сусаймаяпти. Айниқса, тензометрия усуллари ёрдамида турли қуйи ўлчамдаги кристалл тузилмаларнинг физик хусусиятларини комплекс ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан истиқболли ва долзарб бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан монокристалл намуналар эластоқаршилигининг ҳароратга боғланишларини ва деформацияланган кристаллардаги чуқур сатҳли радиацион нуқсонларни тадқиқ қилиш, поликристалл пленкалардаги янги тензорезистив эффектларни ва сиртолди қатламларидаги деформацион ходисаларни, шунингдек, қаттиқ жисмли структураларнинг хоссаларини деформацион ва оптик усулларни биргаликда қўллаб ўрганиш алоҳида қизиқиш касб этмоқда.

Бугунги кунга келиб, микроэлектроника ва илмий асбобсозлик соҳаларида дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари олимларининг асосий эътибори муҳим муаммога - моно- ва поликристалл яримўтказгич структуралар тензосезгирлигининг янги нозик механизмларини очиш ва улар асосида чизиқли деформацион характеристикаларга эга бўлган турли хил тензоэлектрик асбоблар яратишга қаратилган. Шунинг учун PbS туридаги тор зонали кристалларда эластоқаршилиқ доимийликларининг заряд ташувчилар концентрациясига боғланишини пьезоқаршилиқнинг "кичик эффектлари"ни инобатга олиб назарий ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, поликристалл яримўтказгичларнинг умумий тензосезгирлигини бўйлама ва кўндаланг пьезоқаршилиқларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш, бир томонлама статик деформациялашда ностехиометрик кўрғошин ва висмут халькогенидлари асосидаги поликристалл пленкаларнинг ўзгармас токдаги деформацион характеристикалари, кучли легирланган PbTe, PbSe, Bi₂Te₃ пленкали намуналар оптик ва тензометрик хоссаларининг корреляцияси ҳамда улардаги деформацион эффектларни ўзгарувчан токда тадқиқ қилиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш қаттиқ жисмлар тензометриясининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг долзарб устувор илмий йўналишларига сезиларли эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қуёш панелларини ишлаб чиқариш учун моно - ва поликристалл яримўтказгичлар олиш технологияси бўйича муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-инновацион ишланмаларни амалда қўллашнинг самарали механизмларини яратиш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан фотоника ва микроэлектроника соҳасида кристалл структураларнинг электрофизик параметрларини чуқур назарий тадқиқ қилишнинг янги усулларини ривожлантириш жуда муҳимдир. Ушбу

диссертация иши *PbS* туридаги ҳажмий кристалл ва юпқа пардали поликристалл структуралардаги пьезоқаршилик ҳодисасининг янги механизмларини назарий ва экспериментал ўрганишга бағишланган бўлиб, унинг натижалари қаттиқ жисмли тензодатчиклар, оптик-механик сенсорлар ва бошқа шу каби микроэлектрон асбобларнинг технологиясини такомиллаштиришга олиб келади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947–ПФ сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 13 февралдаги 2772-ПҚ сонли "2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 17 февралдаги 2789-ПҚ сонли "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876" Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларида ва бошқа шунга ўхшаш бу соҳада қабул қилинган ва тегишли қонунчилик ҳужжатларида баён қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертациянинг вазифалари Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг "Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш" каби устувор йўналишлари доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яримўтказгич кристаллардаги пьезорезистивлик ҳодисаси биринчи марта К.С.Смит томонидан кашф этилган бўлиб, у Ge ва Si кристалларидаги пьезоқаршиликнинг баъзи бир умумий қонуниятларини экспериментал тарзда ўрнатган. Бу қонуниятларни фақат кристаллар энергетик зоналарининг "кўп воҳали" модели ва К.Херринг томонидан ривожлантирилган заряд ташувчиларнинг "оқиб ўтиш эффекти" асосида тушунтириш мумкин бўлди. Кейинчалик пьезоқаршилик эффекти хорижий олимлар, жумладан, Г.Е.Пикус, Г.Л.Бир, Ф.Ж.Морин, С.Раба, Б.Я.Мойжес, Й.В.Илисаковскийлар томонидан назарий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Ўзбек физиклари Э.А.Абдуллаев ва Н.Х.Юлдашев, К. М.Дошчанов ва С.Х.Шамирзаев, Ш.Б.Атакулов ва Г.Гулямов ишларида бўйлама электр ўтказувчанликнинг бир ўлчовли потенциал тўсиқ механизмига асосланган поликристалл пленкалардаги тензорезистив эффектнинг феноменологик назарияси маълум даражада ишлаб чиқилган. Бироқ кўрғошин ва висмут халькогенид пленкалар юқори тензосезгирлигининг асосий хусусиятларини

тензорезистивлик ҳодисасининг мавжуд механизмлари доирасида охиригача тушунтириш мумкин эмас.

Юпқа пленкали кристалл структураларнинг умумий электрофизик, оптик ва тензометрик хоссаларини мақсадли комплекс ўрганиш бўйича ишларнинг йўқлиги, шунингдек уларнинг эгри чизикли деформацион характеристикалари пленкали тенздатчикларнинг кенг амалий қўлланилишига тўсқинлик қилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона политехника институтида, фундаментал илмий лойиҳалар, хусусан, Ўзбекистон Фанлар Академияси тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 80-06 сонли гранти, 2012-2013 йиллар учун "Квант алоқа каналларини ташкил етишнинг поляритон тамойили" ККРНТ 28-сонли шартномаси бўйича грант ва институтнинг 2015-2020 йилларга мўлжалланган "Қўрғошин ва висмут халькогенидларининг яримўтказгич пленкали структураларида деформацион ҳодисалар" мавзуси бўйича истикболли илмий режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади PbS туридаги кристалллар, поликристалллар, поликристалл пленкалар пьезоқаршилигининг янги механизмларини аниқлаш ва улар асосида барқарор, чизикли деформацион характеристикаларга эга бўлган пленкали тенздатчиклар яратишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги асосий **вазифалар**ни ҳал қилиш зарур эди:

- PbS турдаги яримўтказгич монокристалллар пьезоқаршилигида "кичик эффектлар"нинг роли ва поликристалллар тензосегирлигининг янги механизмларини тадқиқ қилиш;

- стехиометрияси бузилган қўрғошин халькогенидлари асосидаги поликристалл пленкаларнинг ўзгармас токда бир томонлама статик деформацияланишдаги тензорезистив хоссаларини ўрганиш;

- кучли легирланган $PbTe$, $PbSe$ ва $(Bi_{0.7}Sb_{0.3})_2Te_3$ поликристалл пленкаларни баъзи бир оптик ва тензометрик хоссаларининг корреляцияси ва уларда ўзгарувчан токдаги деформацион ҳодисаларни тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти рух алдамаси симметрияли PbS , $PbTe$, $PbSe$ соф, легирланган яримўтказгич кристалллар, поликристалллар ҳамда улар ва $(Bi_{0.7}Sb_{0.3})_2Te_3$ асосидаги тензосезгир поликристалл пленкалардан иборат.

Тадқиқот предмети бўлиб PbS туридаги кристалларда пьезорезистив эффектлар ва тензосезгирлиги юқори ($K \approx 10^3$) бўлган поликристалл PbS , $PbTe$, $PbSe$, $(Bi_{0.7}Sb_{0.3})_2Te_3$ пленкалардаги деформацион ва оптик ҳодисалар хизмат қилади.

Тадқиқот усули. Қўйилган масалаларни ечиш учун қаттиқ жисмлар физикаси ва математик физиканинг назарий усуллари, хусусан, кристалллар зоналар назарияси, тензорлар ҳисоби ва гуруҳлар назарияси, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва интеграл ҳисоб, ўзгармас ва ўзгарувчан токда деформацияланган намуналар ВАХни экспериментал

ўлчаш ва Холл ўлчов усуллари, шунингдек, яримўтказгич материалларни тадқиқ қилишнинг оптик-спектроскопик усуллари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:

PbS турдаги монокристалл яримўтказгичлар силжиш m_{44} ва хажмий $(m_{11}+2m_{12}/3)$ эластоқаршилик коэффициентларини заряд ташувчилар эффектив массаси ва тақиқланган зона кенлиги билан боғлиқ "кичик эффектлар"ни инобатга олган ҳолда назарий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

илк марта поликристалл яримўтказгичларнинг тензосезгирлигини деформация ва ток йўналишига параллел ҳамда перпендикуляр потенциал тўсиқлар ва сирт ҳолатларга боғлиқ ҳолда назарий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

поликристалл пленкалар ВАХи донлараро ринтерфейс орқали ток ўтишининг туннель ва Шоттки механизмлари асосида назарий ҳисобланди ва PbS, PbSe пленкалар ВАХ ларига яхши мос келиши кўрсатилди;

PbTe:Pb поликристалл пленкалар қалинлиги, легирлаш даражаси ва сиқилиш деформацияси ортиши билан донлараро потенциал тўсиқлар пасайиши туфайли Холл ҳаракатчанлиги, заряд ташувчилар концентрацияси ортиши натижасида тензорезистор ВАХининг чизиқлашуви кўрсатилди;

илк марта ностехиометрик кўрғошин ёки теллур билан кучли легрланган PbTe пленкаларнинг ютилиш спектрлари ва деформацион характеристикаларининг узвий корреляцияси ўрнатилди;

$(\text{Bi}_{0.7}\text{Sb}_{0.3})_2\text{Te}_3$ пленкалар қаршилиги ва тензосезгирлигининг циклик деформациялар сони, ўзгарувчан ток такрорлиги ҳамда ҳароратга боғлиқлиги донлараро интерфейс параметрларининг ўзгариши ва янги микроёрилишлар пайдо бўлиши билан изоҳланиши кўрсатилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: PbS дан ясалган пленкали тензорезисторлар тензосезгирлик коэффициенти хона ҳароратида ва кичик сиқилиш деформацияларда ($\epsilon \approx 0,2 \cdot 10^{-5}$ нисбий бирлик) аномал юқори ($K \approx 4 \cdot 10^3$) қийматларга эришади;

моно- ва поликристалл (прессланган) тензорезисторлардан фарқли ўлароқ, PbS пленкали тензорезисторларидан нисбий деформациянинг кенг қийматлар ($(0,25-50) \cdot 10^{-5}$ нисбий бирлик) интервалида фойдаланса бўлади;

PbS пленкаларининг ўтказувчанлик турини бирламчи шихта таркибини алмаштирмасдан таглик ҳароратини ўзгартириш орқали бошқарса бўлади. Оптимал технологик шароитларда ($T_n \approx 100$ °C ва $d \approx 20$ мкм), пленканинг электр ўтказувчанлиги максимал қийматга эришади ($\sigma \approx 1,5$ (Ом·см)⁻¹), унинг ВАХ чизиқли бўлиб, фақат нисбатан юқори кучланганликлардагина ($E \geq 10$ В/см) ночизиқли ($j \sim E^n$, $n \approx 1,3$) кўринишга ўтади.

Re ϵ_∞ нинг λ^2 га экспериментал боғланиши қиздиришнинг маълум вақт оралиқлари учун инфрақизил спектрнинг узун тўлқинли соҳасида чизиқлидир. Бу чизиқларнинг ордината ўқиға экстраполяцияси пленкаларнинг юқори такрорликли диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ_∞ қийматини топишга имкон беради, спектрни тўғри чизиқли қисмининг

қиялигидан эса солиштирма концентрация N/m^* ни аниқлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қаттиқ жисмлар физикасининг замонавий назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилиши, олинган янги натижалар бошқа муаллифларнинг маълум натижаларига мос келиши ва эластоқаршилиқ ҳамда тензосезгирлик коэффициентлари учун топилган аналитик формулалар PbS кристаллари ва $PbSe$ поликристалл пленкалари учун тегишли экспериментал натижаларни сифат жиҳатидан яхши акс эттириши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўрғошин ва висмут халькогенидлари асосидаги кристаллар ва поликристалл пленкалар деформацион характеристикаларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун тақлиф этилган янги усуллар бошқа кристаллардаги пьезоқаршилиқ ва тензосезгирлик ҳодисалари механизмларини тўғри талқин қилишда, шунингдек ҳар хил қуйи ўлчамли яримўтказгич структураларнинг физик хоссаларини тензометрия усуллари ёрдамида ҳар томонлама ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, PbS туридаги кристалл ва поликристалл материаллардаги деформацион ва оптик ҳодисаларни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган назарий ва экспериментал усуллар тензодатчиклар, оптик-механик сенсорлар ва қаттиқ жисмли микроэлектрониканинг бошқа шу каби асбобларини яратиш технологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. PbS туридаги яримўтказгич поликристалл пленкаларининг тензосезгирлик механизмларини тадқиқ қилиш натижалари асосида:

кўрғошин халькогенидларининг моно- ва поликристаллари, поликристалл пленкаларидаги деформацион ҳодисаларни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган ва яримўтказгич тензорезисторларнинг олиш технологиясини термовакуум буғлатиш усули билан такомиллаштиришга имкон берадиган назарий ва экспериментал усуллари "Ўзэлтехсаноат"нинг "ФОТОН" АЖ да апробациядан ўтказилди (19.06.2020 даги 04-1/1165-сонли маълумотнома). Олинган илмий натижалар Ўзэлтехсаноат муассасаларида қўлланилиши мумкин. Бу илмий янгиликни қўлланилиши сўзсиз яримўтказгич пленкали тензорезисторларни ишлаб чиқариш усулини замонавийлаштиришга олиб келиши аниқланди;

PbS туридаги кристалларнинг эластоқаршилиқ коэффициентларини ва $PbTe:Pb:Te$ поликристалл пленкаларнинг қайтариш ва ютилиш спектрлари ёрдамида электронларнинг кинетик параметрларини назарий ҳисоблаш натижаларидан Ф-2-21 "Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашни математик моделлаштириш " (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилди (03.06.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-1887-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш кучли легирланган яримўтказгичли структуралардаги электрон

кинетик ҳодисаларнинг физик механизмларини ёруғликнинг хусусий ва аралашмали ютилишида таҳлил қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан 10 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация ишларининг илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 7 та жадвал ва 34 расмни ўз ичига олган 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги қисқача асослаб берилган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан боғланиши аниқланган, диссертация мавзуси бўйича мавжуд илмий ишлар қисқа таҳлил қилинган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объектлари, предметлари ва усуллари ойдинлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлилиги очиб берилган, иш натижаларининг амалда қўлланилиши ва эълон қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган.

"PbS туридаги тор зонали яримўтказгичларда пьезоқаршилик ҳодисаларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати" номли биринчи бобда тензорезистив эффект ҳақида дастлабки асосий маълумотлар қисқача баён этилган. Кўпвоқали яримўтказгичлардаги пьезоқаршилик ҳодисасининг умумий масалалари, Херрингнинг оқиб ўтиш механизми ва "кичик эффектлар"нинг роли қараб чиқилган. Қаттиқ жисмли пленкалар тензометриясининг долзарб масалаларига оид адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Мавжуд адабиётларнинг маълумотларини танқидий таҳлил қилиш асосида диссертация вазифаларининг умумий қўйилиши шакллантирилган.

"PbS туридаги яримўтказгич кристалларда пьезоқаршиликнинг "кичик эффектлари" ва поликристалларнинг тензосезгирлиги" номли иккинчи боб PbS туридаги кўпвоқали яримўтказгич кристаллар эластоқаршилик доимийликларини таъқиқланган зона кенглиги, заряд ташувчиларнинг эффектив массаси, ҳаракатчанлиги ва концентрациясининг механик деформацияга боғланишини ҳисобга олган ҳолда конкрет миқдорий ҳисоблашга бағишланган. PbS туридаги монокристаллар эластоқаршилигининг силжиш m_{44} ва ҳажмий $(m_{11}+2m_{12})/3$ коэффициентлари кучсиз эластик деформациялардаги "кичик эффектлар" ни инобатга олган ҳолда айнамаган

ва айниган ҳолатлар учун ҳисоблаб чиқилган. Хусусан, айниган квант ҳолатда $(m_{11}+2m_{12})/3$ ва $(m_{11}-m_{12})/2$ лар легирлашнинг ҳар қандай даражасида концентрация ва ҳароратга сезиларли боғланиш намоён қилмасдан, электрон ва коваклар ҳаракатчанлигининг анизотропиясига боғлиқ эмаслиги кўрсатилган. Катталиқ m_{44} эса, айнинаган квант ҳолатдаги каби, иккита қисмдан иборат ва фақат ҳароратга қараб кучли ўзгарадиган қисми концентрацияга боғлиқ бўлади.

Маълумки, PbS ва PbSe кристаллар учун пьезоқаршилик ҳодисасини ўрганишда олинган экспериментал натижаларни назарий жиҳатдан тушунтириш қийинчилик туғдиради ва баъзан улар бир-биридан катта фарк қилади. Чунончи, PbSe да эластоқаршиликнинг силжиш коэффициенти m_{44} унга ўхшаш $(m_{11}-m_{12})/2$ константадан сезиларли даражада катта, лекин $\langle 111 \rangle$ - моделига асосланган оқиб ўтиш назариясига зид равишда ҳароратга $\sim 1/T$ боғланишда эмас. Аксинча, PbS да m_{44} катталиқнинг қиймати ҳароратга тескари пропорционал ўзгаради, бироқ унинг қиймати оқиб ўтиш эффекти билан тушунтириш учун жуда кичик. Бундан ташқари, барча кўрғошин халькогенидларда эластоқаршиликнинг $(m_{11}+2m_{12})/3$ ҳажмий коэффициенти $\langle 111 \rangle$ - моделига кўра нолга тенг бўлиши керак бўлган ҳолда сезиларли катта мусбат қийматга эга.

Кўпгина муаллифлар таъкидлашганидек, пьезоқаршиликнинг бу хусусиятлари PbS ва PbSe да ҳаракатчанликнинг кучли анизотропияси йўқлиги ва "кичик эффектлар" билан, биринчи навбатда эффектив массанинг деформацияга қараб ўзгариши билан изоҳланади. Бироқ, ҳозиргача эластоқаршилик константаларининг таъқиқланган зона кенглиги, заряд ташувчилар эффектив массаси, ҳаракатчанлиги ва концентрациясининг механик деформацияга боғланишини эътиборга олиб, конкрет миқдорий ҳисоби ўтказилмаган.

Ўтказувчанлик ва валент зоналари оддий бўлган, уларнинг абсолют экстремумлари биринчи Бриллюэн зонасининг $\langle 111 \rangle$ кристаллографик ўқларининг L нуқталарида жойлашган PbS туридаги айнинаган яримўтказгични қараб чиқамиз. Пьезоқаршилик эффектига зоналарнинг параболик эмаслигидан ва заряд ташувчилар релаксация вақти ҳамда деформацион потенциалларнинг деформация туфайли ўзгаришидан қўшиладиган ҳиссаларни эътиборга олмасдан диссертацияда $m_{11} \equiv m_{11,11}$, $m_{12} \equiv m_{11,22}$ ва $m_{44} \equiv m_{12,12}$ эластоқаршилик константалари учун қуйидаги ифодалар келтириб чиқарилди:

$$\frac{m_{11} + 2m_{12}}{3} = -\frac{Q}{b\eta^0 + 1} E_{g1}, \quad (1)$$

$$\frac{m_{11} - m_{12}}{2} = 0, \quad (2)$$

$$m_{44} = -\frac{1}{3} \frac{1}{b\eta^0 + 1} \left[\frac{1}{kT} \left(b\eta^0 \frac{1 - K_e}{1 + 2K_e} \Xi_{um} - \frac{1 - K_h}{1 + 2K_h} \Xi_{up} \right) \right] + \frac{1}{2E_g} \left[b\eta^0 \left(\frac{1 - K_e}{1 + 2K_e} + \frac{1 - K_h}{1 + 2K_h} \right) (\Xi_{um} - \Xi_{up}) \right]. \quad (3)$$

Бу ерда $\eta^0 = n^0 / p^0$, $b = (\mu_{e,\parallel} + 2\mu_{e,\perp}) / (\mu_{h,\parallel} + 2\mu_{h,\perp})$, $K_e = \mu_{e,\perp} / \mu_{e,\parallel}$, $K_h = \mu_{h,\perp} / \mu_{h,\parallel}$,

$$Q = \frac{1}{kT} \frac{\eta^0}{\eta^0 + 1} (b+1) + \frac{1}{E_g} \left[1 - (b\eta^0 - 1) \frac{\eta^0 - 2}{\eta^0 + 1} \right], E_{g1} = \Xi_{g,d} + \frac{1}{3} \Xi_{g,u},$$

n^0 ва p^0 – деформацияланмаган яримўтказгичдаги электронлар ва коваклар концентрацияси, $\mu_{e,\parallel}$, $\mu_{e,\perp}$ и $\mu_{h,\parallel}$, $\mu_{h,\perp}$ – воҳалар эллипсоид ўқларига нисбатан ҳаракатчанликларининг компонентлари, E_g – таъқиқланган зонанинг кенглиги, $\Xi_{g,d}$, $\Xi_{g,u}$ – Херринг бўйича E_g учун деформация потенциаллари, $\Xi_{um} = D_{\parallel}^c - D_{\perp}^c$, $\Xi_{up} = D_{\parallel}^v - D_{\perp}^v$; D_{\parallel}^c , D_{\perp}^c , D_{\parallel}^v , D_{\perp}^v – эркин ва валент зоналар учун деформация потенциалларининг компонентлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, биринчидан, кенг зонали яримўтказгичлар учун шартлар

$$1 \ll b\eta^0 \ll E_g / kT \quad (4)$$

бажарилганда (1) - (3) формулалар Г.Е. Пикус ва Г.Л. Бирнинг маълум формулаларига ўтади. Иккинчидан, константа $(m_{11} + 2m_{12})/3$ ток ташувчилар ҳаракатчанлигининг анизотропиясига боғлиқ эмас ва $\eta^0 \gg 1$, $\eta^0 \ll 1$ чегаравий ҳолатларда бир хил E_{g1}/E_g қийматга тенг, ишорасини ўзгартирмайди. Константа m_{44} электрон ва коваклар ҳаракатчанлигининг анизотроплигига боғлиқ, агар $K_e = K_h = 1$ бўлса, $m_{44} \equiv 0$ га тенг. Учинчидан, торзонали яримўтказгичлар учун Ферми айниш йўқлигида маълум тажрибаларга мос ҳолда, эластоқаршилиқнинг иккала константаси ҳам сезиларли даражада концентрацияга (η^0) ва T ҳароратга боғлиқ, ва умумий ҳолда уларни икки ҳаднинг йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш мумкин, улардан бири ҳароратга кучсиз боғлиқ, бошқаси эса ҳароратга тескари пропорционал бўлади. Агар

$$b\eta^0 \gg \frac{E_g}{kT}, \quad (5)$$

шарт бажарилса, $\frac{m_{11} + 2m_{12}}{3}$ катталиқ ҳароратга деярли боғлиқ бўлмайди.

Бундай ҳолат $b\eta^0 \gg 1$, $|\Xi_{up} / \Xi_{um}| \gg 2E_g / kT$ (6)

шартларда константа m_{44} учун ҳам содир бўлади. Ушбу шартлардан биринчи ва иккинчисини амалда ҳар доим қаноатлантириш мумкин, учинчиси эса – анча қийин ва PbS яримўтказгич учун ҳар ҳолда бажарса бўлади.

Шунингдек, 2-бобда поликристалл яримўтказгичлар тензосезгирлик коэффициентининг кристалл донлар деформациясида ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг потенциал тўсиқларнинг ток йўналишига кўндаланг сиртолди фазовий зарядлар соҳасининг модуляцияси билан боғлиқ ҳиссасини инобатга олувчи назарий ҳисоби бажарилган. Бунда кўндаланг потенциал тўсиқлар шаклланишида иштирок этадиган сирт ҳолатлар таъсирига кўпроқ эътибор қаратилган.

Соддалиқ учун куб шаклидаги кристалл донни олти ёқдан қамраб олган диэлектрик қатлам интерфейслар билан бирга қараб чиқамиз. PbS туридаги поликристалл уч OX , OY ва OZ фазовий йўналишда айнан бир хил пара-

метрли куб кристаллитларнинг даврий жойлашувидан ҳосил бўлган деб ҳисоблаймиз. У ҳолда поликристаллнинг тўла қаршилиги-импеданси

$$Z = r^0 \cdot Z_0, \quad (7)$$

формула билан аниқланади. Бу ерда $r^0 = Ld/ab$; L , a ва b - поликристалл намунанинг узунлиги, кенлиги ва баландлиги; $d = l_0 + d_0$, l_0 ва d_0 - кристаллитнинг чизиқли ўлчами ва диэлектрик қатлам кенлиги; Z_0 - битта кристаллит-ячейканинг импеданси. Поликристалл яримўтказгичнинг принципиал электр схемаси асосида Z_0 импеданс ҳисобланган

$$Z_0 = (2R_{D\parallel}^{-1} + Z_{kp}^{-1})^{-1} + Z_{D\perp}, \quad (8)$$

бу ерда $R_{D\parallel}$, $Z_{D\perp}$ - бўйлама ва кўндаланг диэлектрик қатламларнинг (КДҚ) қаршилиги ва импеданси, Z_{kp} - кристаллитнинг импеданси;

$$Z_{D\perp} = (R_{D\perp} + i\omega C_{D\perp} R_{D\perp}^2) / (1 + (\omega C_{D\perp} R_{D\perp})^2), \quad (9)$$

бу ерда $i = \sqrt{-1}$, ω - таъминлаш кучланишининг циклик такрорлиги; $R_{D\perp}$ - актив қаршилиқ; $C_{D\perp}$ - КДҚ электр сифими;

$$Z_{kp} = (2/R_1 + 1/Z_2 + 2/R_3)^{-1} = (1/Z_2 + 4/R_1)^{-1}, \quad (10)$$

бу ерда $R_1 = R_{11} + R_{12} + R_{13}$, $R_3 = R_{31} + R_{32} + R_{33}$, бунда $R_1 = R_3$. $R_{\alpha\beta}$ - бўйлама фазовий зарядлар соҳаси (ФЗС) нинг тегишли характерли қисмининг актив қаршилиги ($\alpha, \beta = 1, 2, 3$);

$$Z_2 = R_{o\beta} + (R_{21} + i\omega C_{21} R_{21}^2) / (1 + (\omega C_{21} R_{21})^2) + (R_{23} + i\omega C_{23} R_{23}^2) / (1 + (\omega C_{23} R_{23})^2), \quad (11)$$

бу ерда $R_{o\beta} = R_{22}$ - кристаллит квазинейтрал ҳажмининг қаршилиги; C_{21}, C_{22} и R_{21}, R_{23} - кўндаланг ФЗС тегишли сифим ва актив қаршиликлари;

Ушбу моделга кўра поликристаллардаги тензоэффект нафақат ҳажмий ($R_{o\beta}$) ва сиртбўйи ($R_{\alpha\beta}$) пьезоқаршилиқлар, балки $R_{o\beta}$ ва $R_{\alpha\beta}$ ларнинг сезиларли даражада ўзгаришларига олиб келадиган сирт ҳолатлари (СХ) нинг қайта зарядланиши туфайли ҳам содир бўлади. Поликристалларнинг бир ўкли деформациясидаги тензосезгирлиги кўп жиҳатдан заряд ташувчиларнинг бўйлама СХ дан кўндаланг СХ га ёки аксинча оқиб ўтиш жараёнлари билан аниқланади. Бу механизм торзонали поликристалл яримўтказгичлар пьезоқаршилигининг асосий механизмларидан биридир, чунки уларнинг электр ўтказувчанлигида сирт ҳолатлар жуда муҳим роль ўйнайди. $R_{\alpha\beta}$

ларни ҳисоблаш учун бўйлама ва кўндаланг потенциал тўсиқларнинг $L_{D\parallel}, L_{D\perp}, \varphi_{S\parallel}$ ва $\varphi_{S\perp}$ каби параметрларини билиш керак. Улар сирт ҳолатларнинг фаоллашиш энергияси ва концентрацияси, легирлаш даражаси ва деформацияга, $L_{D\perp}$ ва $\varphi_{S\perp}$ лар эса, шунингдек, ток зичлиги j га ҳам боғлиқ

бўлган катталардир.

Поликристаллнинг пьезоқаршилигига квазинейтрал хажмлар, бўйлама ва кўндаланг потенциал тўсиқ соҳалари қўшадиган тегишли парциал ҳиссаларни аниқлайдиган тензосезгирлик коэффициентлари $K_{об}$, $K_{об\perp}$ ва $K_{об\parallel}$ ҳисоблаб чиқилган:

$$K = K_{об} + K_{об\perp} + K_{об\parallel}, \quad K_{об} = 1 + 2\nu + \bar{m} + K_{зем.}^S, \quad (12)$$

$$\text{бу ерда} \quad K_{зем.}^S = d(L_{D\parallel}^+ + L_{D\parallel}^- + 4L_{D\perp}) / \ell_0 d\varepsilon \quad (13)$$

сирт ҳолатларининг қайта зарядланиши натижасида бўйлама ва кўндаланг ФЗС лар геометрик ўлчамларининг модуляцияси туфайли қўшилаётган ҳисса; ν - кристаллит учун Пуассон коэффициенти; \bar{m} - $(m_1 + m_2)/2$ ни фазовий йўналишлар бўйича ўртачалаш билан олинган эластоқаршилиқ доимийси.

$$K_{об\perp} = \left[1 + 2\nu + \bar{m} + df_{+-} / f_{+-} d\varepsilon \right] R_{кр} f^{\pm} / R_{об\perp} + 1 + 2\nu_D + m_D + \\ + \left[\exp\left(-2\sqrt{2m_n^*} \left(\sqrt{W_S - E_F} \varepsilon_2 + \Delta W_S / \sqrt{W_S - E_F}\right) d_0 / \hbar\right) \right] R_{D\perp} / R_{об\perp}, \quad (14)$$

$$K_{об\parallel} = 1 + 2\nu + \bar{m} - df_1 / f_1 d\varepsilon, \quad (15)$$

$$f_{+-} = f^+ + f^-, \quad f^{\pm} = \left(L_s / \ell_0 (1 - \lambda_{D\perp})^2 \right) \int_{Y_{S\parallel}}^0 F^{-1}(\lambda, Y) dY / (\exp Y \pm \lambda^{-2} \exp(-Y)),$$

$$f_1 = (L_s / \ell_0) \int_{Y_{S\perp}}^0 (\exp Y + \lambda^2 \exp(-Y)) dY / F(\lambda, Y), \quad F(\lambda, Y) = \sqrt{\lambda(e^Y - 1) - \lambda^{-1}(e^{-Y} - 1) + (\lambda^{-1} - \lambda)},$$


Бу ерда $L_s = \sqrt{2\pi\varepsilon_{II} kT / e^2 n_i}$ - Дебай экранлаш кенглиги, $\lambda = n_0 / n_i = n_i / p_0$, ν_D ва m_D - диэлектрик учун Пуассон коэффициенти ва эластоқаршилиқ доимийси; ΔW_S - бир ўқли деформацияда кристаллитнинг диэлектрик қатлам билан чегарасида потенциал тўсиқ баландлигининг ўзгариши (ΔW_S), ε_2 - кўндаланг диэлектрик қатламидаги нисбий деформация қиймати, \hbar - Планк доимийси.

"Стехиометрияси бузилган кўрғошин халькогенидлари поликристалл пленкаларининг ўзгармас ток ва бир томонлама статик деформациядаги тензометрик хоссалари" деб номланган учинчи бобда *n-PbS*, стехиометрияси бузилган *PbTe* ва *PbSe* поликристалл пленкаларининг легирлаш даражасига боғлиқ тензометрик характеристикаларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, деформациянинг ВАХ, Холл эффекти, электр ўтказувчанлик ва тензометрик параметрларга таъсирини, шунингдек, технологик факторлар ролини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба маълумотлари баён қилинган. Ток ўтказишнинг туннель ва Шоттки механизмлари асосида юпқа поликристалл


пленкалар ВАХ ва тензосезгирлигининг назарий ҳисоби бажарилган, экспериментал натижалар муҳокама қилинган.

Қалинлиги $h \approx 10 \text{ мкм}$ бўлган поликристалл $n\text{-PbS}$ пленкалар квазиберк ҳажмда қолдиқ буғларнинг ($10^{-2}\text{-}10^{-3}$ Па босимида ($T=333\text{-}393$ К) ҳароратли полиамид тагликда очиқ термик буғлатиш йўли билан ўстирилган. Пленкаларнинг электрофизик хоссаларини дастлабки экспериментал тадқиқотлари адабиётлардан маълум ишларнинг натижаларини сифат жиҳатдан тасдиқлади. Хусусан, ток ташувчиларнинг Холл ҳаракатчанлиги тагликнинг ҳарорати ва буғлатиш тезлигининг ўсиб бориши билан ортади, заряд ташувчиларнинг Холл концентрацияси эса бу технологик параметрларга деярли боғлиқ эмас, конденсирланган қатламнинг $0 < h \leq 6 \text{ мкм}$ қийматлар соҳасидаги қалинлиги пленкаларнинг электр хусусиятларини тўлиқ белгилайди. h ўсиши билан ток ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги ортади, уларнинг концентрацияси монотон бўлмаган ҳолда ўзгаради, ТСК аввал ортади, сўнгра $h \geq 6 \text{ мкм}$ да тўйинишга чиқади. Янги тайёрланган пленкаларга атмосфера ҳавосида ёки S нинг буғларида термик ишлов бериш пленкаларнинг электр ва тензометрик хоссаларини барқарорлаштиради.

1-расмда нисбатан юқори қаршиликли PbS дан тайёрланган пленкали тензорезисторнинг бир ўқли сиқилиш деформациясининг ҳар хил қийматлардаги ВАХ лари келтирилган. Расмдан кўринадики, $U(I)$ эгри чизиқлари нисбий деформация мутлақ қийматининг ўсиши билан ордината



1-расм. PbS пленкали тензорезисторнинг сиқилиш деформациясининг турли қийматларидаги ВАХлари ($-\varepsilon \cdot 10^5$: 1-0; 2-7,5; 3-15; 4-25 нис.бир. $n = 5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$, $T=300 \text{ К}$).



2-расм. $n=5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$ бўлган $n\text{-PbS}$ пленкали тензорезистор учун $|\Delta R/R_0|$ (1 чизиқ) ва ТСК (2) ларнинг сиқилиш деформациясига боғлиқлиги. $T=300 \text{ К}$.

ўқи бўйича пастга силжийди, бу эса сиқилиш пайтида пленканинг қаршилиги камаяётганидан дарак беради. Ҳар бир ВАХ эгри чизиғида учта характерли қисмларни ажратиш мумкин: чизиқли (I, III) ва ночизиқли II соҳалар. Таъкидлаш лозимки, ВАХ нинг бошланғич чизиқли I қисмидан бошқа III чизиқли қисмига ўтишнинг ночизиқли II соҳаси $|\varepsilon|$ ортиши билан тораяди, ва шу вақтда пленкада кучланиш U тушишининг кичик қийматлар соҳасига сурилади.


Кучланишнинг $U=U_{\dot{y}m}$ қиймати пленканинг юқориомли ҳолатдан пастомлироқ ҳолатга ўтишини характерлайди. Бир томонлама чўзилиш деформациясида ε нинг ўсиши билан $U_{\dot{y}m}$ катталиги орта боради. *PbS* поликристалл пленкалар ВАХ ининг бундай ўзига хос хусусияти торзонали яримўтказгичлар асосидаги шу каби пленкали структуралар учун умумийдир ва уларда микронуксонлар ҳамда улар билан боғлиқ потенциал тўсиқлар мавжудлигини намоён этади.

$n=5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$ концентрацияли *n-PbS* дан тайёрланган пленкали тензорезистор қаршилигининг нисбий ўзгариши $|\Delta R/R_0|$ ва ТСК ларининг ε га боғлиқлиги 2-расмда кўрсатилган. 1 эгри чизиқ нисбий қаршилиқнинг ўзгаришини, 2 эгри чизиқ эса $K = f(\varepsilon)$ боғланишни тасвирлайди. Иккала эгри чизиқ ҳам ташқи манбанинг кучланиши $U > U_{\dot{y}m}$ бўлган хол учун олинган. Расмдан кўриниб турибдики, юқорида кўрсатилган электронлар концентрациясида *PbS* дан тайёрланган пленкали тензорезисторларнинг ТСК си $\varepsilon \approx -10^{-5}$ нисб.бир. кичик қийматлар соҳасида 4000 гача этади ва сиқилиш деформация даражаси ўсиши билан пасаяди. Нисбий деформациянинг $-(1-3) \cdot 10^{-4}$ нисб. бир. оралиғида $f(\varepsilon)$ боғланиш бир текис камаяди ва амалда $K \approx 5 \cdot 10^2$ га тенг бўлиб ўзгармай қолади.


Конденсирланган қатламнинг оптимал фазавий ва кимёвий таркибини ўрнатиш, турғун параметрли ҳамда чизиқли деформацион характеристикали тензорезистив пленкаларни олиш мақсадида стехиоетрик *Pb* ёки *Te* кўшилмалар билан легирланган *PbTe* дан ясалган намуналар тадқиқотига эътибор қаратилди. 3-5-расмларда стехиоетрик таркибга яқин *n*-турли *PbTe*, ортиқча $\Delta Pb = 0,2$ масс. % кўрғошинли *PbTe:Pb* ва ортиқча $\Delta Te = 2,8$ масс.% теллурли *PbTe:Te* пленкаларининг ҳар хил нисбий ($0,33 \cdot 10^{-3} \div 1,32 \cdot 10^{-3}$ нис.бир) деформациялардаги ВАХ лари келтирилган.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, *PbTe* ва *PbTe:Pb* пленкалари учун барча графиклар деформация мавжудлигида ҳам, йўқлигида ҳам тўғри чизиқлидир. Бу сиқилиш ва чўзилиш деформацияси пленкада ўзининг электр фаоллигини кўйилган механик кучланишнинг ортишига қараб ўзгартирадиган "марказлар" ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Ностехиоетрик *Pb* кўшилма пленка электр ўтказувчанлигининг стехиоетрик таркибга нисбатан ўсишига олиб келади. Бунда сиқилиш ўтказувчанликнинг ўсиши (3 эгри чизиқ), чўзилиш эса унинг камайиши (4,5 эгри чизиқлар) билан бирга содир бўлади. Бу, эҳтимол, деформация таъсирида таъқиқланган зона кенглигининг ўзгариши заряд ташувчилар концентрациясининг ўзгаришига олиб келиши билан боғлиқдир.

Te қўшилманинг *PbTe* пленкасидаги миқдорини оширилиши ВАХ нинг $U \geq 6$ В лар соҳасида чизиклиликдан қисман четланишга олиб келади (5- расм). Қўйилган кучланишнинг ортиши билан ўтказувчанлик секин камаяди. Бу, эҳтимол, стехиометриядан ортиқча *Te* нинг мавжудлигидан ёки *Te* нинг алоҳида яримўтказгич фазасининг ажралиб чиқишидан ҳосил бўлган нуқсонларда электронлар сочилишининг ортиб кетиши билан боғлиқдир.




3-расм. Стехиометрик таркибли *PbTe* пленкасининг ВАХ лари; 1- деформациясиз; 2-5-сиқилишда; 6-7-чўзилишда. $n=4 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$.




4-расм. Ортиқча $\Delta Pb = 0,2$ масс. % кўрғошинли *PbTe* пленкасининг сиқилиш (1,2) ва чўзилиш (4,5) деформацияларининг ҳар хил даражаларидаги ВАХ лари.

Кучланганлиги $H=6 \cdot 10^3$ Э магнит майдонидаги Холл ўлчовлари қоғоз тагликда тайёрланган барча *PbTe:Te* пленкалари электр ўтказувчанлик турини ўзгартирмаслигини кўрсатди. Нисбий сиқилиш деформацияси $\varepsilon=1,76 \cdot 10^{-4}$ нисб. бир. гача орттирилганда Холл доимийси R_x кучли камайишга учрайди. Камайиш даражаси пленка қалинлигига кучсиз боғлиқ (6-расм). Бу эса Холл коэффицентининг камайиши асосан сиқилиш деформациясига қараб заряд ташувчилар концентрацияси ортиб бориши ҳисобига содир бўлаётганлигидан дарак беради.

PbTe пленкаси стехиометриясининг *Pb* ёки *Te* қўшимчалари сабабли бузилиши, табиий, кристалл доначалар чегарасидаги потенциал тўсиқ баландлигининг ўзгаришига олиб келади. 1-жадвалда $\sigma = \sigma_0 \exp(-\Delta E_a / kT)$ формула ёрдамида *PbTe* учун *Pb* ва *Te* қўшимчаларнинг турли қийматларида активлашиш $\Delta \varepsilon_a = \varphi_{\text{эфф}}$ энергиясининг экспериментал аниқланган қийматлари келтирилган. Кўринадикки *Te* қўшимчаси кристаллитлар орасидаги потенциал тўсиқларнинг ўсишига олиб келади. Агар бирламчи материал n- турда бўлса, у ҳолда $\varphi_{\text{эфф}}$ нинг ўсиши қўшимча *Te* ўзини акцептор сифатида тутаётганини, яъни эркин электронларни бирлаштириб олиб, улар учун потенциал тўсиқни ошираётганлигини билдиради. Аксинча, *Pb* нинг ностехиометрик қўшимчалари ўзларини донор каби тутади, улар ўзларининг суст боғланган электронларини кристаллитнинг ўтказувчанлик зонасига беради ва шу йўл



5-расм. Ортиқча $\Delta Te=2,8$ масс.% миқдорли $PbTe$ пленкасининг ВАХ лари; 1 эгри чизик – деформациясиз; 2-5–сиқилишда; 6,7–чўзилишда.



6-расм. $PbTe:Te$ пленкаларида Холл коэффициентининг бир ўқли сиқилиш деформациясига боғлиқлиги. Пленка қалинлиги d , мкм: 1-5; 2-7; 3-9; 4-11.

билан потенциал тўсиқни ва фаоллашиш энергиясини камайтиради. Демак, кристаллитлар билан интерфейс орасидаги дастлабки потенциал тўсиқлар беркитувчи қатлам ҳосил қилади.

1-жадвал

$PbTe$ учун ўказувчанлик фаоллашув энергиясининг ΔTe ва ΔPb га боғланиши.

Te кўшимчаси, масс. %	ΔE_a , эВ	Pb кўшимчаси, масс. %	ΔE_a , эВ
0,8	0,085	0	0,080
1,8	0,090	0,2	0,090
2,8	0,095	1,2	0,040
3,8	0,105	2,2	0,015
4.8	0,12	3,2	-

Диссертацияда $PbTe$ пленкасидаги кўрғошин миқдорининг ошиши Te кўшимчасига нисбатан ТСК ини камайтириши ва унинг ҳароратга боғланишини пасайтириши, бу эса $PbTe$ поликристалл пленкасида Pb ва Te кўшимчаларнинг турлича роли ва фаоллиги билан изоҳланиши кўрсатилган.

2-жадвалда ҳар хил d қалинликдаги $PbSe$ пленкалари учун Холл коэффициенти R_x , ҳаракатчанлиги ($R_x \sigma$) ва заряд ташувчилар p концентрациясининг чўзилиш деформацияси даражасига боғлиқ ҳолда Холл эффекти ва электроўтказувчанлик усуллари билан ўлчанган эффектив кийматлари келтирилган. Кўриниб турибдики, $d \approx 10$ мкм да ТСК максимумга эришади, бунда ҳаракатчанлик чўзилиш даражасига боғлиқ равишда дастлаб камаяди, сўнгра сезиларли ошади, электр ўтказувчанлик 8 марта ортади.

2-жадвал

$PbSe$ пленка параметрларининг қалинлик d ва деформация ϵ га боғланиши.

№	$\varepsilon, 10^{-4}$	d, мкм	$R_{x\sigma}, \text{см}^3/\text{Кл}$	$\sigma, (\text{Ом}\cdot\text{см})^{-1}$	$R_{x\sigma}, \text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	$P \cdot 10^{-16}, \text{см}^{-3}$	d (мкм)	$R_{x\sigma}, \text{см}^3/\text{Кл}$	$\sigma, (\text{Ом}\cdot\text{см})^{-1}$	$R_{x\sigma}, \text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	$P \cdot 10^{-16}, \text{см}^{-3}$	d (мкм)	$R_{x\sigma}, \text{см}^3/\text{Кл}$	$\sigma, (\text{Ом}\cdot\text{см})^{-1}$	$R_{x\sigma}, \text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	$P \cdot 10^{-16}, \text{см}^{-3}$
1	0		230,7	0,36	84	32		166	0,58	96,9	4,5		158,9	1,47	4,6	232,3
2	1,75		179,4	0,37	66,4	4,1		118	0,6	77,8	6,2		149,4	1,5	4,9	228
3	3,55	5	133,2	0,38	50,6	5,5	10	97,4	0,62	60	7,5	17	100,8	1,6	7,3	159
4	5,25		56,2	0,4	22,4	13		75	1,6	123	9,6		72,7	1,65	10,1	120
5	7		12,4	0,41	5,04	59		54	5,1	271	13,6		56,7	1,71	15,7	80

